

# **ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

**Ахмедова Юлдуз Сунатуллаевна**

**Жиззах политехника институти**

**“Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси асистенти**

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш масалалари ёритилган. Шунингдек, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, инвестицияни жалб қилишнинг замонавий шакллари, асосий йўналишлари ва уларга берилаётган имтиёзлар тўғрисида баён этилган.

**Калит сўзлар:** тадбиркорлик, бизнес, кичик бизнес, инвестиция, инновация, самарадорлик.

**Abstract:** The article covers the issues of effective use of investments in the development of small business and entrepreneurship in Uzbekistan. Also, in this regard, the works carried out in our country, modern forms of investment attraction, main directions and the privileges given to them are described.

**Key words:** entrepreneurship, business, small business, investment, innovation, efficiency.

Дунёда ривожланган ва ривожланаётган давлатларда кичик бизнес ва тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий ривожланишни белгилаб берувчи муҳим куч ҳисобланади. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини юксалтириш учун инвестицияларни жалб қилиш, хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида фаолият юритувчи хўжалик субъектларни замонавий техника ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш, янги корхоналарни ташкил этиш, бозор талабига жавоб берадиган рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бугунги куннинг асосий талабидир. Бу борада

Президентимиз Ш.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур” деб таъкидлаб ўтганлар. Маълумот ўрнида фйтиш мумкинки,” 2022-2226 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 26-мақсадида мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШдоллари, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш вазифалари белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва тадбиркорлик мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим драйверларидан бирига айланмоқда. Шу қаторда, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш, уни молиявий қўллаб-куватлаш чора-тадбирларига Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш бевосита уларнинг ишлаб чиқариш жараёнини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришга боғлиқ.

Бу эса, уларнинг инвестицион харажатларини молиялаш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтириб чиқаради. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ ва фаол жалб этишга тўсқинлик қилувчи, биринчи навбатда, давлат органларининг тадбиркорлар билан мулоқот қилишнинг амалий ва шаффоф тизими мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлган бир қанча салбий омиллар сақланаётганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Инвестицион жозибадорлик маълум бир инвестор томонидан инвестиция обьектини баҳолашни назарда тутади ва инвестиция муҳити обьектив характерга эга бўлиб ва субъективликни инкор қилади. Демак,

инвестиция жозибадорлигини баҳолаш, инвесторларнинг мақсад ва имкониятларига боғлиқ бўлади, инвестиция муҳити эса инвестиция фаолияти ёки жараёнининг турли субъектлари учун доимий қийматдир. Сўнгги йилларда республикада инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг хукуқий кафолатларини мустаҳкамлаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда, солик тизими тубдан ислоҳ қилинди, рухсат берувчи хужжатларни олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширишлар бекор қилинди. Шу қаторда кичик бизнес субъектларига давлат дастурлари асосида имтиёзли кредитларнинг берилиши уларнинг инвестицион фаолиятини амалга оширишга қулай шароит яратмоқда.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2020 йилда 60,5 фоизни ташкил этди, 2021 йилда бу кўрсатгич 65.4 фоизни ташкил этган.

Зеро,кичик бизнес бозор шароитида зарур харакатчанликни таъминлайди, у энг катта товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи, энг катта иш берувчи, илмий ва технологик тараққиётнинг катализаторидир. Кичик бизнес субъектларига инвестиция жалб қилиш билан боғлиқ муаммоларни кўриб чиқиши, кичик бизнес ва тадбиркорликка қулай шарт-шароитлар яратиш, инвестициялардан самарали фойдаланиш ва самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиши лозим. Бинобарин,саноат тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини кўпайтириш лозим, чунки охирги йилларда кичик бизнес субъектларнинг саноатдаги улуши камайиб бормоқда. Умумий ҳолатда оладиган бўлсак ҳам, мамлакатда саноатнинг ривожи сезиларли даражада эмас. Шу билан бир қаторда,кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб қилинаётган инвестициялар миқдорини ошириш ва бу

жараённи давлат томонидан кўллаб қувватлаш механизмини такомиллаштириш бўйича мазкур илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун корхоналарнинг молиявий маблағларидан унумли фойдаланиш масаласини йўлга қўйиш лозим;

Мамлакат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга қаратиш мақсадида инвестиция қўйилмаларини амалга оширувчи корхоналарга солиқ юкларини янада камайтириш лозим;

2. Мамлакат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга қаратиш мақсадида инвестиция қўйилмаларини амалга оширувчи корхоналарга солиқ юкларини янада камайтириш лозим;

3. Мамлакат иқтисодиётини тараққий топтириш йўлида корхоналарни тўлиқ ривожлантириш ва ишчиларнинг моддий турмушини яхшилаш механизмини ишлаб чиқиш даркор;

Иқтисодиётда инвестицион фаолиятни амалга ошираётган корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига фойдани кўпайтириш тавсияларини ишлаб чиқиш керак;

4. Иқтисодиётда инвестицион фаолиятни амалга ошираётган корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига фойдани кўпайтириш тавсияларини ишлаб чиқиш керак;

5. Республика иқтисодиётида инвестиция фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида тармоқлараро ва ички тармоқ кооперацияни ривожлантириш асосида баланслашган ишлаб чиқариш муҳитини шакллантириш лозим;

6. Инвестицияларни рағбатлантиришда давлат ва хусусий шерикчилик муносабатларини яратиш хамда улар иштирокини таъминлаш зарур;

7. Корхона ва аҳоли маблағлари, тижорат банк кредитлари ресурсларидан фойдаланганлик учун аниқ ўлчов ва меъёрларни белгилаш керак;

8. Республикамиз ҳудудларида инвестицион лойиҳалар фабрикаси ва тадбиркорлик фаолияти бўйича турли тренинглар, маслаҳат марказларини ташкил этиш, шунингдек, туман ва ҳудудларларнинг тадбиркорлик лаёқатига кўра тадбиркорлик фаолиятини ихтисослаштириш лозим.

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 2020 й 30 январ 276(7778)1-4 бетлар.
2. Ваҳобов А.В., Хажибеков Ш.Х., Мўминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма-Т.: Молия, 2010-Б. 153 бет
3. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрир) 25.12.2019 й. ЎРҚ-598., 52-сон, 918-модда
4. Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибалорлиги. Илмий-амалий қўлланма.-Тошкент: Baktria press, 2017 йил 320 бет
5. Ахмедова Ю.С “Фаол инвестицион муҳит-Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим омили сифатида” Эконом социум №1 (104) 2023 й 254 бет
6. Ахмедова Ю.С Инвестициялар-иқтисодиётни модернизациялашнинг бош омили. Journal jf Advanced and Stability Volume:03 Issue:01/Jan-2023